

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАХМАНАЗАРОВ ОРИФЖОН МИРЗОНАЗАР ЎҒЛИ

**ЎТКИР ИЧАК ТУТИЛИШИНING ЖИГАР СУРУНКАЛИ ДИФФУЗ
КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА КЕЧИШИДА
ТАШҲИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Махманазаров Орифжон Мирзоназар ўғли

Ўткир ичак тутилишининг жигар сурункали диффуз касалликлари билан биргаликда кечишида ташҳислаш ва даволаш натижаларини такомиллаштириш..... 3

Махманазаров Орифжон Мирзоназар угли

Совершенствование результатов диагностики и лечения при сочетании острой кишечной непроходимости с хроническими диффузными заболеваниями печени..... 31

Makhmanazarov Orifjon Mirzonazar ugli

Improving the results of diagnosis and treatment when acute intestinal obstruction is combined with chronic diffuse liver disease..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 64

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАХМАНАЗАРОВ ОРИФЖОН МИРЗОНАЗАР ЎҒЛИ

**ЎТКИР ИЧАК ТУТИЛИШИНING ЖИГАР СУРУНКАЛИ ДИФФУЗ
КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА КЕЧИШИДА
ТАШҲИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**тиббийёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Tib3629 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Уроқов Шухрат Тўхтаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамдамов Бахтиёр Зарифович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Курбаниязов Зафар Бабажанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.05.03 Илмий кенгашининг 2026 йил « 17 » Март соат 19:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 11 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50), Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru.)

Диссертация автореферати 2026 йил « 10 » Март да тарқатилди.
(2026 йил « 10 » Март даги 41 рақамли реестр баённомаси)



М.М.Абдурахманов

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc.), доцент

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш маълумотларига кўра, «...40 ва 60 ёш орасида ушбу касалликнинг энг юқори тарқалишининг ёш диапазонини кўрсатади, бунда эркаклар аёлларга қараганда ўткир ичак тутилишига кўпроқ мойил бўладилар...».¹ Замоनावий тиббиёт фанида ўткир ичак тутилиши деб номланувчи касаллик ошқозон-ичак тракти орқали таркибнинг меъерий ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган ҳолатдир. тиббий амалиётда ўткир ичак тутилиши ривожланишининг турли босқичларида беморларни диагностик излаш ва терапевтик олиб бориш алгоритмларини ўзлаштириш муҳимлигини тушуниш керак. Бу нафақат жарроҳлик мутахассисларига, балки стажёрларга ҳам тегишли бўлиб, уларнинг замоनावий тиббий аралашуви беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун жуда муҳимдир. Бундан ташқари, ўткир ичак тутилиши қўшилиб келган касалликлар, шу жумладан, жигарнинг диффуз касалликлари билан турли беморларда, намоён бўлиши мумкин.

Жаҳон миқёсида ўткир ичак тутилиши ва жигарнинг диффуз касаликлари ўртасидаги муносабатлар соҳасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, ушбу коморбидликда аъзолардаги патофизиологик жараёнларнинг мураккаблиги билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Жигарнинг диффуз касалликларида асоратлар патогенезини замоनावий тадқиқ қилишда тирик бактериялар ва уларнинг компонентларининг ичак таркибидан ичак деворига, мезентериал лимфа тугунларига, шунингдек портал ва тизимли қон айланишга кўчиши жараёни бўлган бактериал транслокация ҳодисасига катта эътибор қаратилган. Ушбу жараёнда қўшилиб келган клиник ҳолатларнинг кенг тарқалганлиги, даволаш самарадорлигининг пастлиги ҳамда асоратлар қолиш хавфининг мавжудлигини инобатга олиб, ушбу патология кузатилган беморларда касалликларни ташҳислаш, консерватив ва жарроҳлик даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш зарурати ошган.

Мамлакатимизда аҳолига жарроҳлик касалликларида тиббий ёрдам кўрсатиш, хусусан жигарнинг диффуз касалликлари билан ўткир ичак тутилишининг қўшилиб келиш ҳолатларида касалланиш даражасини аниқлаш, тегишли ташҳис қўйиш, даволаш ва ушбу патологиянинг натижаси прогнозини таъминлаш бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясининг 7 та устувор йўналишнинг 56-мақсад, 4-қисмида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ...»² бўйича қатор вазифалар белгиланган. Шунга асосланган ҳолда, жигарнинг диффуз касалликлари бўлган пациентларда ўткир ичак тутилишини даволашда жарроҳлик аралашув натижаларини оптималлаштириш долзарб ҳисобланади.

¹ https://platform.who.int/mortality/themes/theme-details/topics/indicator-groups/indicator-group_details / MDB / paralytic-ileus-and-intestinal-obstruction

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон // <https://lex.uz/docs/5841063>

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»³ ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»⁴ ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»⁵ ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жигарнинг диффуз касалликлари бўлган ўткир ичак тутилиши билан пациентларни даволаш самарадорлиги асосан касалликнинг босқичи, эндотоксикознинг даражаси ва касалликнинг бошланишидан бошлаб тиббий аралашувнинг ўз вақтида бошланиши билан белгиланади. Ўткир ичак тутилиши билан пациентларда тез ривожланаётган эндоген интоксикация жигарнинг детоксикация механизмларини фаоллаштиришни рағбатлантиради. Шунингдек, жигар функцияларининг компенсацияланган ҳолатини сақлаб қолиш нафақат гомеостазни сақлашга ёрдам беради, балки операциядан олдинги ва кейинги даврларда тананинг фаоллигини оширишни талаб қиладиган ҳолатларда ҳам асосий элемент ҳисобланади (Ступин В.А. ва бошқ., 2021, Хакимов М.Ш., 2023).

Шу муносабат билан жигарнинг диффуз касалликлари билан пациентларда ўткир ичак тутилишини даволашда гепатопротекторли давонинг ролини чуқур ўрганиш долзарб бўлиб қолади. Бундай тадқиқотнинг зарурати жигарнинг купфер ҳужайралари эндотоксинлар детоксикациясида муҳим рол ўйнаши ҳақидаги далил билан мустаҳкамланган. Бундан ташқари, прогрессияланувчи эндотоксикоз ўткир ичак тутилишининг патофизиологик оқибатларидан бири бўлиб ҳисобланади ва беморларнинг ҳаётига, айниқса жигарнинг диффуз касалликлари билан пациентларнинг ҳаётига таҳдид солувчи полиорганли етишмовчиликнинг патогенезидаги муҳим компонент ҳисобланади (Назиров Ф.Г. 2022).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 12.11.2020 йилдаги ПФ-6110-сон // <https://lex.uz/docs/5100677>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 10.11.2020 йилдаги ПҚ-4887-сон // <https://lex.uz/docs/5090241>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 12.11.2020 йилдаги ПҚ-4891-сон // <https://lex.uz/docs/5100663>

Сўнги йилларда дунёнинг етакчи тиббиёт марказларида жигарнинг диффуз касалликлари билан касалланган пациентларда ўткир ичак тутилишида жарроҳлик аралашув усулларида ўзгаришлар кузатилди. Ушбу ўзгаришлар асосан минимал инвазив усуллари жорий этиш, лапароскопик ускуналардан фойдаланиш, гемостаз учун биомутаносиб синтетик иплар ва коагуляторлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб, улар қорин бўшлиғида лигатураларни қолдиришни талаб қилмайди. Шунга қарамасдан, ушбу янгиликлар касалликнинг клиник кўриниши ва пациентларни олиб бориш стратегиясига сезиларли таъсир кўрсатмади ва даволаш натижалари қониқарсиз бўлиб қолмоқда (Амаханов А.К. ва ҳаммуал., 2022).

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эндотоксикоз жигарнинг диффуз касалликлари билан пациентларда ўткир ичак тутилиши патогенезида асосий рол ўйнайди ва ичак тутилишини жарроҳлик йўли билан олиб ташлаганидан кейин ҳам беморнинг ҳаётига таҳдид сифатида давом этади (Сапин М.Р. ва ҳаммуал. 2022). Кўпгина муаллифларнинг фикрига кўра, ўткир ичак тутилишида операциядан кейинги юқумли асоратларнинг частотаси 11 дан 42% гача ўзгариб туради ва ўткир ичак тутилиши пайтида операциялар пайтида бу кўрсаткич 38-80% га етиши мумкин, 70% ҳолларда бундай асоратлар ўлимга олиб келади (Эргашев И.Ш. ва ҳаммуалл., 2019).

Жигар циррози билан пациентларда ўткир ичак тутилишини ташхислаш ва жарроҳлик даволаш бўйича адабиётларни ўрганиш Ўзбекистон аҳолисининг шошилини жарроҳлик касаллиги таркибида бундай ҳолатлар сонининг кўпайиши тенденциясини кўрсатмоқда, бу эса янги тавсияларни ишлаб чиқиш ва операциядан олдинги даволаш чора-тадбирлари ва дифференциал жарроҳлик даволаш тактикаси комплексни такомиллаштириш заруратини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (01.2023.PhD.114) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолисининг соғлиғига таъсир қилувчи патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, ташхислаш, даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўткир ичак тутилиши жигарнинг сурункали диффуз касалликлари билан бирга келган ҳолларда даво чораларини мукамаллаштиришдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шошилини хирургияда ўткир ичак тутилиши ва жигар сурункали диффуз касалликларининг биргаликда учраш даражасини ва ичак етишмовчилиги оғирлик даражасига кўра клиник кечиш ўзига хослигини ўрганиш;

ўткир ичак тутилиши ва жигар сурункали диффуз касалликлари билан биргаликда келган ҳолатларда ичак тутилиши натижасида юзага келган тизимли ялиғланиш жараёнининг белгилари ва унинг жигар функционал ҳолатига таъсирини ўрганиш;

Ўткир ичак тутилиши ва жигар сурункали диффуз касалликлар бирга келган беморларда тизимли ялиғланиш жараёни намоён бўлиш хусусиятлари ва коагуляция тизимида ўзгаришлар билан боғлиқлиги ўрганиш;

жигар сурункали диффуз касалликлар ва ўткир ичак тутилиши биргалликда келган беморларда энтерал этишмовчилиги натижасида келиб чиқадиган жигар этишмовчилигини олдини ёки даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўткир ичак тутилиши билан жигарнинг диффуз касалликлари қўшилиб келган 106 нафар пациент олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қон, қон зардоби, ўткир ичак тутилиши ва жигарнинг диффуз касалликлари қўшилиб келган беморларда қўлланилган консерватив ва жарроҳлик даволаш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор жигарнинг диффуз касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилиши клиник кечишининг хусусиятлари ва стационар олди давр давомийлигининг энтерал этишмовчилик синдромининг ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик аниқланган;

илк бор жигарнинг диффуз жигар касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилишини даволашда жарроҳликгача бўлган даврда комплекс фармакотерапия қўлланилишининг самарадорлиги клиник ва лаборатор таҳлиллар асосида исботланган;

илк бор энтерал этишмовчилик даражасига қараб ўткир ичак тутилиши бўлган беморларда гемостаз тизимидаги ўзгаришларни баҳолаш муҳимлиги исботланган;

илк бор гепатотроп терапияни терапия мажмуасига ўз вақтида қўллаш алгоритмини киритиш орқали диффуз жигар касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилишини жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш имконияти ва самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жигарнинг шикастланиш даражасини баҳолаш диффуз жигар касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилишини комплекс даволаш доирасида гепатотроп терапияни эрта қўллаш техникасини ишлаб чиқишга қўмаклашган ва кейинчалик клиник амалиётга жорий қилинган;

гепатотроп коррекцияга эътибор қаратган ҳолда диффуз жигар касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилишини жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларининг қиёсий таҳлили гепатопротектор дори воситаларини қўллашнинг сезиларли самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги аниқланган, қайсики нафақат энтерал этишмовчилик синдромини ва прогрессив жигар дисфункциясини коррекциялашга, балки полиорганли бузилишлар ривожланишининг олдини олишга ҳам имкон берган.

гепатотроп коррекциянинг ишлаб чиқилган техникаси шошилиш клиникаларнинг жарроҳлик бўлимларида, унинг шаклидан қатъи назар, ўткир ичак тутилиши билан пациентларни даволаш учун кенг қўлланилган, у

операциядан кейинги ва операциядан олдинги даврларда асоратларни минималлаштириш ва полиорганли етишмовчилик ривожланишининг олдини олиш учун ишлатилиши кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган замонавий бир бирини тўлдирувчи объектив клиник, биокимёвий, инструментал ва нурлантириш усулларининг маълумотлари, таҳлилий ва прогностик кўрсаткичларнинг такомиллаштирилганлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишланганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий илмий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жигарнинг диффуз касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилишининг патогенези, клиник кечиши ва энтерал етишмовчилик ҳамда жигар дисфункцияси ўртасидаги боғлиқликни илк бор чуқур таҳлил қилиш, янги диагностик мезонларни таклиф этиш ҳамда гепатотроп терапия алгоритмини киритиш орқали жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаш имкониятини илмий асослаш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, жигарнинг шикастланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда ўткир ичак тутилиши бўлган беморларда гепатотроп терапияни эрта қўллашнинг самарали техникасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, бу орқали гепатопротекторлар ёрдамида энтерал етишмовчилик ва полиорганли бузилишларнинг олдини олишга эришиш, натижада жарроҳлик бўлимларида асоратларни минималлаштириш ва даволаш натижаларини яхшилаш учун кенг қўллаш имкониятини яратишдан иборат бўлган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиқ этиши бўйича 2025 йил 2 декабрдаги 30/09 сонли хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: жигарнинг диффуз касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилиши клиник кечишининг хусусиятлари ва стационар олди давр давомийлигининг энтерал етишмовчилик синдромининг ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик аниқланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган натижалар Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида (№142/1-I сонли Буйруқ 7- октябр 2024-йил) ва Республика шошилич тиббий Илмий Маркази Қорақалпоғистон филиали (№54 соли Буйруқ 28-феврал 2025-йил) да амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ЎИТ ва ЖДК — юқори ўлим кўрсаткичига эга бўлган оғир касалликлар. Ушбу янгилик орқали касалликнинг этиологияси, патогенези ва клиник кечишининг ўзига хос хусусиятларини тушуниш, асоратлар сонини ва беморларнинг ўлим кўрсаткичини сезиларли даражада пасайтиришга хизмат қилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* аниқ патогенез ва клиник

хусусиятларга асосланган оптималлаштирилган даволаш беморларнинг шифохонада ўтказиш вақтини қисқартиради, бу эса карт-кунларнинг камайтириш ҳисобига 1 нафар бемор учун 987.600 сўм, 106 нафар бемор учун эса 104.685.600 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини беради. *Хулоса:* ушбу илмий янгилик ЖДК билан оғриган беморларда ЎИТнинг этиологияси, патогенези ва клиник хусусиятларини чуқур ўрганиш орқали, касалхонага ётқизишдан олдинги даврнинг ЭЭС ривожланишига таъсирига алоҳида эътибор қаратиш заруриятини камайтирди.

иккинчи илмий янгилик: илк бор жигарнинг диффуз жигар касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилишини даволашда жарроҳликгача бўлган даврда комплекс фармакотерапия қўлланилишининг самарадорлиги клиник ва лаборатор таҳлиллар асосида исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган натижалар Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида (№142/1-І сонли Буйруқ 7- октябр 2024-йил) ва Республика шошилич тиббий Илмий Маркази Қорақалпоғистон филиали (№54 соли Буйруқ 28-феврал 2025-йил) да амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ушбу илмий янгилик орқали операциягача бўлган даврдаги комплекс фармакотерапияни яхшилаб, беморларнинг ўлим кўрсаткичини кескин камайтиришга ва асоратларнинг олдини олишга хизмат қилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Асоратлар сонининг камайиши ва бемор аҳволининг тез яхшиланиши тиббиёт муассасасининг ресурсларидан самаралироқ фойдаланиш имконини кенгайтириши ҳисобига ҳам бир бемор учун 1.165.000 сўм, 106 нафар бемор учун 123.490.000 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини беради. *Хулоса:* операциягача бўлган комплекс фармакотерапиянинг асосий жиҳати айнан шу боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, жигарни ҳимоялаш ва ЭЭСнинг олдини олишга қаратилиши кераклигини кўрсатди.

учинчи илмий янгилик: илк бор энтерал етишмовчилик даражасига қараб ўткир ичак тутилиши бўлган беморларда гемостаз тизимидаги ўзгаришларни баҳолаш тавсия этилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган натижалар Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида (№142/1-І сонли Буйруқ 7- октябр 2024-йил) ва Республика шошилич тиббий Илмий Маркази Қорақалпоғистон филиали (№54 соли Буйруқ 28-феврал 2025-йил) да амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* гемостаз бузилишлари натижасида юзага келадиган оғир асоратлар (масалан, ўпка артерияси тромбоземболияси) беморнинг ногиронлигига ёки ўлимига олиб келиши мумкин. Ушбу янги тавсия ногиронликка олиб келувчи оқибатларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ЭЭС даражасига қараб гемостазни бошқариш учун фақат зарур дори воситалари ва муолажаларни ўз вақтида қўллаш орқали 1 нафар бемор учун 745.900 сўм, 106 нафар бемор учун 79.065.400 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини беради. *Хулоса:* ушбу илмий янгилик орқали жарроҳлик тактикасини ва антикоагулянт терапияни беморнинг ҳақиқий физиологик ҳолатига мослаштиришга имкон беради. Натижада, тромботик ва геморрагик асоратларнинг олди олинади, даволашнинг хавфсизлиги ва

самарадорлиги оширилади.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор гепатотроп терапияни терапия мажмуасига ўз вақтида қўллаш алгоритмини киритиш орқали диффуз жигар касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилишини жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш имконияти ва самарадорлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий натижалар РШЁТМ Бухоро вилояти филиали (МЗ РУз № 8н-з/356, 10-октябрь 2024-йил) ва РШЁТМ Хоразм вилояти филиали (МЗ РУз № 8н-з/356, 22-октябрь 2024-йил) да амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* гепатотроп терапияни даволаш мажмуасига ўз вақтида киритиш алгоритми жарроҳликдан кейинги ўлим кўрсаткичларини пасайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* асоратлар (масалан, жигар ёки буйрак етишмовчилиги) сонининг камайиши, уларни даволаш учун кетадиган қиммат реанимация муолажалари, узоқ муддатли интенсив терапия ва кўшимча доридармонларга бўлган эҳтиёжни кескин камайиши ҳисобига 1 нафар бемор учун 870.500 сўм, 106 нафар бемор учун 92.273.000 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини беради. *Хулоса:* ушбу илмий янгилик натижалари жигар дисфункциясини коррекция қилиш ва олдини олишга қаратилган бўлиб, асоратлар ва ўлим кўрсаткичларини пасайтириш ҳамда даволашнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари жами 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 131 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жигарнинг диффуз касалликлари бўлган**

беморларда ўткир ичак тутилишининг патогенези, ташҳисоти ва даволаш масалалари (адабиётлар шарҳи)» деб номланган биринчи бобида, ўткир ичак тутилишининг этиологияси, патогенези, ташҳисоти, таснифи ва даволаш бўйича замонавий маълумотлар, диффуз жигар касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилиши асоратлари ривожланиши патогенезида ичак микрофлорасининг дисбаланси, ушбу беморларда энтерал етишмовчилик синдроми, тизимли эндотоксинемия ва ўткир ичак тутилишининг асоратлари батафсил ёритилган. Жигарнинг диффуз касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилишининг клиник кўринишларининг хусусиятлари, беморларда жарроҳлик тактикаси, ўткир ичак тутилиши учун жарроҳлик аралашувларнинг вақти ва кўламига батафсил изоҳ берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда фойдаланилган материаллар ва усуллар келтирилган.


Илмий тадқиқот 2022 йилдан 2024 йилгача Бухоро Давлат тиббиёт институти хирургик касалликлар кафедраси базасида РШТЎИМ Бухоро филиали хирургик бўлимида олиб борилган. Тадқиқотнинг мақсади ўткир ичак тутилиши (ЎИТ) билан жигарнинг диффуз касалликлари (ЖДК) қўшилиб келган 106 нафар беморнинг клиник маълумотларини таҳлил қилиш бўлган. Кўпчилик беморлар — 58,4% (n=62) — 35 ёшдан 60 ёшгача бўлган гуруҳга мансуб. Бу, тадқиқотнинг асосий контингенти ўрта ва кекса ёшдаги беморлардан иборат эканлигини кўрсатади. 60 ёшдан катта бўлган беморларнинг салмоғи 36,7% ни (n=39) ташкил этди. 85 ёшдан катта беморларнинг улуши энг кам бўлиб, атиги 0,94% га (n=1) тенг бўлди.

Тадқиқот иккита ҳар хил беморлар гуруҳлари асосида олиб борилган. Биринчи, асосий гуруҳга ЎИТ ва ЖДК билан касалланган 51 бемор киритилди.

Операциядан олдин ва кейинги ўтказилган комплекс даволаш доирасида ушбу беморларга “Dream Pharma МЧЖ Ўзбекистон” томонидан ишлаб чиқарилган “Ривертон” инфузион эритмаси ва “Lab. Farmaceutico S.T. S.r.L.”, Италия компанияси томонидан ишлаб чиқарилган “Глутион” 600 мг №10, 4 мл ли эритма ёрдамида гепатопротектив даво тайинланган.


Асосий гуруҳ 30 аёл (58,8%) ва 21 эркакдан (41,1%) иборат бўлди (1-расм). Назорат ва асосий гуруҳлар орасидаги жинс ёки ёш каби демографик кўрсаткичларнинг фарқланмаслиги (гомогенлиги) рандомизирланган ва солиштирма тадқиқотларнинг сифатини таъминлайди. Таққослаш гуруҳи таркиби қуйидагича бўлди эркаклар: 21 нафар (38,1%), аёллар: 34нафар (61,8%).

Ўтказилган тадқиқотда иштирок этган умумий беморлар контингенти иккита асосий гуруҳга бўлинди. Асосий гуруҳда 60 ёшдан катталар 43,1% ни ташкил этди. Таққослаш гуруҳида эса бу улуш 65,4% ни ташкил этиб, асосий гуруҳга нисбатан сезиларли даражада юқори эди. 35-60 ёш оралиғидаги беморлар иккинчи энг катта улушни эгаллайди: асосий гуруҳ: 50,9% (26 нафар), таққослаш гуруҳи: 65,4% (36 нафар).



1-расм. Жигарнинг диффуз касалликлари бўлган ўткир ичак тутилиши билан оғриган беморларнинг жинси бўйича тақсимланиши, %

Тадқиқотда ёш таркиби бўйича муайян фарқлар кузатилди. 35 ёшгача бўлган энг ёш беморлар гуруҳи асосий гуруҳда (3,92%) таққослаш гуруҳига (3,64%) нисбатан қарийб икки баробар кўпроқ улушни ташкил этди. Гарчи бу тоифа умумий контингентнинг энг кичик қисми бўлса-да, асосий гуруҳда унинг устунлиги қайд этилди. 85 ёшдан катта бўлган энг кекса беморларнинг улуши асосий гуруҳда ҳам энг паст даражада бўлди (1,96%). Таққослаш гуруҳида ушбу ёш тоифасидаги беморлар учрамади (2-расм).




2-расм. Ўткир ичак тутилиши билан оғриган диффуз жигар касалликлари бўлган беморларнинг ёши бўйича тақсимоти, %

Олинган натижаларга асосланиб, ҳар иккала тадқиқот гуруҳида ҳам беморларнинг энг катта қисми 35-60 ёш оралиғига тўғри келади.

Тақдим этилган расмда ўткир ичак тутилишига олиб келган асосий патологиялар асосий гуруҳ (n=51) ва таққослаш гуруҳи (n=55) ўртасида тақсимланиши таҳлил қилинди (3-расм).

Тадқиқотнинг иккала гуруҳида ҳам ЎИТ сабаб бўлувчи асосий омил сифатида йўғон ичак ўсмалари аниқланди. Бу патология ҳар икки гуруҳда ҳам энг юқори частота билан қайд этилди: асосий гуруҳда йўғон ичак ўсмалари


50,98% (n=26) ҳолатни ташкил қилди; таққослаш гуруҳида эса бу кўрсаткич 45,45% (n=25) ни ташкил этиб, асосий гуруҳга нисбатан бирмунча пастрок бўлди.



3-расм. Тадқиқот гуруҳларидаги ЖДК билан оғриган беморларда ЎИТга олиб келган патология бўйича тақсимоти, %

ЎИТ га олиб келадиган патологиялар қаторида энг кўп йўғон ичак тутилиши, асосий гуруҳда 26 (50,98%) нафар, таққослаш гуруҳида эса 25 45,45% нафар беморда аниқланди. Кейинги ўринда битишмалар беморлар орасида кўп қайд этилди., хусусан асосий гуруҳда 10 (19,61%) нафар ва таққослаш гуруҳида 12 (21,82%)нафар беморда учради. ЎИТ га олиб келадиган омиллар қаторида ингичка ичак ўсмаси ва ичак инвагинацияси энг кам частотада учради.


ЖЦ ташхисини қўйиш вақтига қараб ва жигар фнкционал ҳолатига кўра беморларни тақсимланиши 4-5-расмларда келтирилган.



4-расм. ЖЦ ташхисини қўйиш вақтига қараб беморларни тақсимланиши (n=106)


ЖЦ ташхиси билан келган беморлар таққослаш гуруҳида (43,6 %), ташхисотдан кейин ЖЦ аниқланганлар (47,1 %) ва операциядан кейин аниқланган беморлар (11,8 %) асосий гуруҳда кўпроқ қайд этилди.

ЖЦ компенсация (37,3 %) ва субкомпенсация (47,1 %) босқичидаги беморлар асосий гуруҳда, декомпенсация босқичидагми беморлар эса таққослаш гуруҳида (21,8 %) кўпроқ беморларда аниқланди.



5-расм. ЖЦ жигар функционал ҳолатига қараб тақсимланиши (n=106)

ЭЭСнинг биринчи даражасига 37 нафар бемор тўғри келди, бу тадқиқот иштирокчиларининг умумий сонининг 34,9% га тенг (6-расмга қаранг).



6-расм. ЖДК билан беморларда ЎИТда эндоген интоксикация синдромининг оғирлигига қараб тадқиқот иштирокчиларини тақсимланиши, %

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, ЭЭС II-даражаси бўйича иккала гуруҳнинг тақсимоти деярли бир хил ва статистик жиҳатдан фарқсиз бўлган: асосий гуруҳда 47,05% (n=24) ва таққослаш гуруҳида 47,27% (n=26) бемор қайд этилган. Клиник жиҳатдан оғир (III-даражали) ЭЭСнинг тақсимотида сезиларли фарқ кузатилди. Асосий гуруҳда бу кўрсаткич 21,58% (n=11) ни ташкил этди. Назорат гуруҳида эса 14,55% (n=8) даражасида қайд этилган.

Диссертациянинг «**Жигарнинг диффуз касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилишида энтерал етишмовчилик синдромининг ривожланиши ва унинг касаллик натижаларига таъсири**» деб номланган учинчи бобда, жигарнинг диффуз касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилишининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда энтерал етишмовчилик синдромининг хусусиятлари, унинг оғирлигига қараб диффуз жигар касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилишида эндотоксинемия, қон ивиш тизими кўрсаткичларининг ўзгариши, ўткир ичак

тутилишида жарроҳлик аралашувнинг тактикаси ва кўлами, операциядан кейинги номақбул натижалари келтирилган.

Ўтказилган таҳлил натижалари ингичка ичак тутилиши (ИнгИТ) ва йўғон ичак тутилиши (ЙўғИТ) билан касалланган беморлар гуруҳлари ўртасида касалликнинг давомийлик муддати бўйича жиддий фарқларни намоён этди.

ИнгИТ билан боғлиқ ҳолатларни кўриб чиқсак, касаллик аломатларининг пайдо бўлиш муддатининг тезроқ кечганлигини кўриш мумкин. Беморларнинг нисбатан кичик қисми — 3 нафари (6,2%) касаллик тарихи 6 соатдан кам бўлган ҳолда мурожаат қилган. Кейинги гуруҳни 9 нафар бемор (18,8%) ташкил этиб, уларда касаллик 6 соатдан 12 соатгача давом этган. Энг катта улуш — деярли ҳар икки бемордан бири, яъни 19 нафари (39,6%) 13 соатдан 24 соатгача бўлган аломатлар билан рўйхатга олинган. Шу билан бирга, 17 нафар бемор (35,4%) 24 соатдан кўпроқ вақт давомида касалликдан азият чеккан. Кўриниб турибдики, ИнгИТ ташхиси қўйилган беморларнинг аксарияти (64,6% га яқини) касалликнинг 24 соатгача бўлган даврида аниқланди.

ЙўғИТ билан боғлиқ ҳолатлар эса ИнгИТдан кескин фарқланади, чунки бу гуруҳда касаллик аломатлари узоқроқ давом этганлиги аниқланди. Энг муҳим фарқли жиҳат шундаки, бу гуруҳда 6 соатдан кам давом этган касаллик тарихига эга ҳеч бир бемор қайд этилмади. Фақатгина 3 нафар бемор (5,2%) 6 соатдан 12 соатгача бўлган ораликда касаллик тарихига эга бўлган ва 8 нафар бемор (13,8%) 13 соатдан 24 соатгача давом этган симптомлар билан кузатилган. Энг аҳамиятлиси, ЙўғИТ билан касалланганларнинг мутлақ кўпчилиги (47 нафар бемор ёки 81,0%) касалликдан бир суткадан (24 соатдан) ортиқ азият чекаётган эди.

СтрангИТ билан оғриган беморларнинг асосий контингенти (60,5%, n=26) касалликнинг 13 соатдан 24 соатгача бўлган анамнетик даврида госпитализация қилинган.


ОбтурИТ билан оғриган беморларнинг кўпчилиги — 82,6% (n=52) — касаллик бошланганидан 24 соатдан ортиқ вақт ўтгачина тиббий муассасаларга мурожаат қилишган. Бу маълумот ОбтурИТда ташхиснинг кечикиши ва беморларнинг даволашга асосан кечки босқичда қабул қилинишини таъкидлайди.

Шошилинич жарроҳлик соҳасида қондаги лейкоцитлар даражаси тананинг реактивлиги ва патологик жараёнларнинг мавжудлигининг муҳим, аммо билвосита кўрсаткичи сифатида қаралади (7-расм).

I - даражали ЭЭС билан беморларда лейкоцитларнинг ўртача даражаси $7,78 \pm 3,15 \times 10^9/\text{л}$ ни ташкил этиб меъёр чегарасида қолганлиги қайд этилди. Бироқ, ЭЭС нинг II ва III - даражалари бўлган гуруҳларда меъёрий қийматлардан юқори бўлган сезиларли лейкоцитоз кузатилди, ўртача қийматлари мос равишда ўртача $10,52 \pm 2,22 \times 10^9/\text{л}$ ва $10,81 \pm 3,97 \times 10^9/\text{л}$ ни ташкил этди.

Таҳлилларга кўра, СтрангИТ билан касалланган беморларнинг салмоқли қисми — 60,5% и нисбатан қисқа муддатда, яъни касаллик бошланганидан сўнг 13 соатдан 24 соатгача бўлган ораликда тиббий ёрдам сўраб мурожаат

қилган. Бундай тезкор муружаат динамикаси мазкур патологиянинг ўзига хос хавфли жиҳати — ичак тўқималарининг тез некрозга учраш эҳтимоли юқорилиги билан изоҳланади.



7-расм. Энтерал етишмовчилик синдромининг оғирлигига қараб жигарнинг диффуз касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилишида эндотоксемия динамикаси

ЭЭСнинг I - даражаси бўлган беморларда ушбу индекснинг ўртача қиймати ўртача $4,31 \pm 2,10$ ни ташкил этди, бу интоксикациянинг ўртача даражасини, эҳтимол асосан бактериал генезини кўрсатади. II - даражали ЭЭС билан беморлар учун ўртача индекс ўртача $6,60 \pm 3,68$ ни ташкил этди, бу оғир эндоген интоксикация мавжудлигини кўрсатади. Оғир энтерал етишмовчилик (ЭЭСнинг III - даражаси) бўлган ҳолларда индекс ўртача $11,84 \pm 2,23$ қийматларига етди, бу оғир эндотоксик юкламани кўрсатади.

ЭЭСнинг иккинчи даражали оғирлик босқичида иммун танқислиги белгилари, айниқса токсемия даражасининг ошиши хусусан бактериал келиб чиқишли фонда пайдо бўлиши аниқланди. Ушбу кузатув ичак антибактериал тўсиғининг потенциал бузилишини кўрсатади, бу септикотоксемия аломати бўлиши мумкин ва вазиятнинг янада чуқурлашишининг олдини олиш учун эрта ташхислаш ва аралашувнинг муҳимлигини таъкидлайди.

Энтерал етишмовчилик синдромининг биринчи даражаси бўлган беморларни таҳлил қилганда, 6 беморда парамеций тести индексининг пасайиши қайд этилди (16,2%), парамеций ўлимининг ўртача вақти эса ўртача $17,3 \pm 1,68$ дақиқани ташкил қилди. ЭЭСнинг иккинчи даражаси билан гуруҳда тест вақтининг қисқариши билан беморлар сонининг 23 кишига (46,0%) кўпайиши қайд этилди, бу гуруҳдаги парамеций ўлимининг ўртача вақти ўртача $15,4 \pm 2,78$ дақиқани ташкил этди. ЭЭСнинг учинчи даражасига билан барча 19 беморда натижалар меъёрий қийматлардан паст бўлганлиги, парамеций ўлимининг энг қисқа ўртача вақти - $7,4 \pm 1,31$ дақиқа бўлганлиги айниқса аҳамиятлидир (1-жадвал).

Ушбу маълумотлар парамеций тести эндотоксик синдромнинг оғирлигини баҳолаш учун, айниқса ичак функциясини ва унинг турли даражадаги ЭЭС бўлган беморларнинг умумий ҳолатига таъсирини баҳолаш

контекстида муҳим восита бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини таъкидлайди.

1-жадвал

ЭЭСнинг оғирлигига қараб парамеций тестининг кўрсаткичлари

Парамеций тести	ЭЭС								
	I даража (n=37)			II даража (n=50)			III даража (n=19)		
	Абс.	%	M ± n	Абс.	%	M ± n	Абс.	%	M ± n
< 18	6	16,2	16,2±0,37	23	46,0	12,6±1,49	19	100	7,5±1,27
> 18	31	83,8	19,7±1,19	27	54,0	18,3±0,31	0		0
M ± n	17,3±1,68			15,4±2,78			7,4±1,31		
t _{CT}	0,549, p>0,05;					-2,019, p<0,05;			

SIRS белгиларининг учраш тезлиги ЭЭС даражасига қараб қуйидаги динамикани кўрсатди: ЭЭС I-даражаси бўлган беморларда SIRS белгилари фақат 3 ҳолатда (8,1%) қайд этилди. ЭЭС II-даражасига эга беморлар орасида бундай аломатлар сезиларли даражада ортиб, 15 кишида (30,0%) кузатилди. Энг оғир даража — ЭЭС III-даражасида эса SIRS ҳолатлари максимал кўрсаткичга етди, яъни беморларнинг 14 кишида (73,7%) аниқланди.

Бирок, умумий ўткир ичак тутилиши бўлган беморлар контингентига эндоген интоксикация даражаси ва SIRS ривожланиши ўртасида кучли боғлиқлик ($r=0,634$) аниқланса-да, статистик жиҳатдан аҳамиятли корреляция топилмади. Чунки статистик аҳамиятлилик даражаси (p) $p>0,05$ бўлгани сабабли, олинган натижанинг статистик аҳамиятлилиги тасдиқланмади.

Ўтказилган статистик таҳлил натижалари қоннинг токсиклик даражасининг ошиши билан ЭЭС даражасининг прогрессив ўсиши ўртасида ишончли тўғри боғлиқлик (корреляция) мавжудлигини кўрсатди. Аниқроғи, корреляция коэффиценти (r) 0,6132 ни ташкил этди, бу эса кучли ўртача боғланишни билдиради. Мазкур муносабатнинг статистик аҳамиятлилик даражаси (p) $p<0,05$ бўлиб, олинган натижаларнинг тасодифий эмаслигини ва объектив хусусиятга эга эканлигини тасдиқлайди.


ЎИТ ташхиси қўйилган ва ЭЭС нинг I даражаси (енгил) белгилари ҳамда ўртача эндоген интоксикация кузатилган беморлар гуруҳида (жами 37 нафар) олиб борилган таҳлиллар, гемостаз тизими кўрсаткичлари барча ўрганилган ҳолатларнинг 100% ида меъёрий чегараларда сақланиб қолганини аниқланди (8-расм).

Касалликнинг дастлабки босқичларида (I даражали ЭЭС) гемостазнинг бузилиши кузатилмади.

Сухарев усули бўйича қон ивишининг ўртача вақти ўртача $3,7\pm 1,28$ минутни ташкил этди, тромбоцитлар даражаси эса $255,6\pm 8,31 \times 10^9/л$ га тенг бўлди.

Қон ивиш комплексининг кўрсаткичлари, шу жумладан протромбин вақти ва фибриноген даражаси ҳам меъёр чегаралари ичида қолди, мос равишда ўртача $16,7\pm 1,53$ сония ва $3,4\pm 1,11$ г/л.


Бундан ташқари, антикоагуляция тизимининг муҳим компоненти бўлган антитромбин III даражаси ўлчанди. Натижалар меъёрий диапазонда бўлиб, ўртача қиймати $104,3\pm 5,36\%$ бўлди.



8-расм. Энтерал етишмовчилик синдромининг оғирлигига қараб жигарнинг диффуз касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилишида қон ивиш тизимининг кўрсаткичлари

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, беморларда фибриногеннинг меъёрий кўрсаткичлари ва эрувчан фибрин-мономер комплексларининг ўртача концентрацияси ($3,7 \pm 0,36 \times 10^{-2}$ г/л) сақланиб қолган. Бу натижа ичак деворида яллиғланиш жараёни мавжудлиги фонида олингани алоҳида аҳамиятга эга.

ЭЭС II даражаси фонида ДТИнинг гиперкоагуляцион тенденциялари мавжуд бўлса-да, ПВ, АТ III ва тромбоцитлар каби асосий гемостатик маркерларнинг умумий компенсацияланган ҳолати сақланиб қолди (9-расм).



9-расм. ЭЭС прогрессияланишида ўткир ичак тутилиши бўлган беморларда гемостаз кўрсаткичларининг динамикаси

Гиперкоагуляция босқичида қон плазмасида фибриноген даражасининг ўртача $4,1 \pm 2,17$ г/л гача ошганлиги қайд этилди. Эрувчан фибрин-мономер

комплекслари концентрацияси ўртача $4,6 \pm 1,08 \times 10^{-2}$ г/л даражасида кўтарилди. Ўртача қон ивиш вақтининг $2,1 \pm 0,34$ минутгача қисқариши кузатилди. ЭЭСнинг учинчи босқичи бўлган беморларнинг лаборатор текширувларида гипокоагуляция белгилари аниқланди.

Тромбоцитопениянинг ўртача даражаси $149,2 \pm 29,32 \times 10^9$ /л ни ташкил қилди. Фибриноген етишмовчилиги қайд этилиб, ўртача $1,6 \pm 0,54$ г/л га етди ва унинг парчаланиш маҳсулотлари, масалан, эрувчан фибрин-мономер комплекслари, ўртача $6,2 \pm 2,11 \times 10^{-2}$ г/л гача етади. Бу ҳодисалар протромбин вақтининг ўртача $22,3 \pm 3,65$ сониягача қийматда ошиши, шунингдек, антитромбин III нинг ўртача даражасининг критик қийматгача пасайиши билан бирга кечди, у $70,4 \pm 8,74\%$ ни ташкил этди. Шу билан бирга, қон ивишининг ўртача вақти $5,3 \pm 1,06$ дақиқани ташкил этди.

Тадқиқотда касалликнинг турли босқичлари бўлган беморларда ўтказилган турли жарроҳлик муолажалар таҳлил қилинди. Битишмаларни ажратиш $21,7\%$ ҳолатда бажарилди, бунда энг йирик фоиз ($26,32\%$) касалликнинг учинчи босқичига тўғри келди. Энтеротомия, камроқ тарқалган амалиёт бўлиб, беморларнинг $4,72\%$ ида бажарилди, бунда асосан касалликнинг биринчи босқичида амалга оширилди.

Ингичка ичакнинг резекцияси, шу жумладан ҳар хил турдаги анастомозлар аралашувларнинг катта қисмини эгаллаган. Энтероэнтроанастомоз $16,04\%$ ҳолларда, ёнма-ён эса $9,43\%$ ида амалга оширилди, энг юқори фоиз касалликнинг иккинчи босқичида амалга оширилди. Энтероколоноанастомоз камроқ ишлатилган, бу операциялар умумий сонининг $2,83\%$ ини ташкил қилади.

Йўғон ичак резекциясига келсак, гемиколэктомия (ўнг ва чапда) мос равишда $14,15\%$ ва $16,98\%$ ҳолларда амалга оширилди. Гартман жарроҳлиги ва колостомани олиб ташлаш, айниқса касалликнинг охириги босқичида, колостомани олиб ташлаш $52,63\%$ га етган сезиларли даражада фойдаланиш частотасига эга бўлди.

Энг кенг тарқалган амалиёт ичак интубацияси бўлиб, беморларнинг $75,47\%$ ида амалга оширилди ва унинг частотаси касаллик босқичи ортиши билан ортиб борди.


Таққослаш гуруҳидаги салбий натижалар баҳоланган тадқиқот доирасида ўлимнинг умумий фоизи $12,7\%$ ни ташкил этгани аниқланди, бу 7 ҳолатга тенг. ЎИТнинг турига қаратилган батафсил таҳлил шуни кўрсатдики, странгуляцион ЎИТ ҳолатларида, ўлим даражаси $11,6\%$ ни ташкил этди, бу 43 та қайд қилинган ҳолатлардан 5 та летал ҳолатга тўғри келади. Вафот этганлар орасида иккитасида ($4,6\%$) II - даражали ЭЭС ташҳисланган, битта бемор касаллик бошланганидан 13-24 соат ўтгач, иккинчиси 24 соатдан кейин ёрдам сўраган.

Аниқланишича, жами беморларнинг атиги 3 нафари ($6,9\%$) касалликнинг 24 соатдан ортиқ давом этган ҳолатида тиббиёт муассасасига ётқизилган бўлиб, бу беморларда эндотоксикоз синдромининг III даражаси қайд этилган.

Странгуляцион ўткир ичак тутилиши ташҳиси қўйилган беморлар бўйича олиб борилган статистик таҳлиллар ўлим кўрсаткичи ва касалхонага

ётқизилгунга қадар касалликнинг давомийлиги ҳамда ЭЕСнинг оғирлик даражаси ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги гипотезани тўлиқ тасдиқлади. Яъни, касаллик қанчалик узоқ давом этса ва интоксикация даражаси қанчалик юқори бўлса, ўлим хавфи ҳам шунчалик ортади.

ОбтурИТ ҳолатларида ўлим даражаси анча паст бўлди - 3,2%, 63 ҳолатдан иккитасига тўғри келади. Икки нафар бемор (3.2%) жароҳат/касаллик бошланганидан 24 соатдан сўнг тиббиёт муассасасига мурожаат қилган. Ўтказилган клиник баҳолаш натижасида улардан бирида (1.6%) ЭЕС II даражаси, иккинчисида (1.6%) III даражаси аниқланди/қайд этилди. Бироқ, ОбтурИТ намунаси ҳажмининг чекланганлиги сабабли, ўлимга олиб келадиган натижа эҳтимолини баҳолаш учун статистик таҳлил ўтказишнинг имкони бўлмади (10-расм).



10-расм. Касалликнинг кечишига боғлиқ ҳолда ЎИТ билан беморларда ўлим ҳолатининг учраш частотаси, %

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ингичка ичак тутилиши ташхиси қўйилган 48 нафар бемордан 3 нафари (6.3%) вафот этди. Бу ўлим ҳолатлари клиник кечиш ва касалхонага мурожаат қилиш муддатлари бўйича фарқланади.

Ўлим билан тугаган ҳолатларнинг атиги 2,1% и (n=1) симптомлар бошланганидан кейинги биринчи 24 соат ичида (13 соатдан 24 соатгача) тиббий муассасага ётқизилганлиги аниқланди. Бу беморда клиник текширувлар натижасида II даражали ЭЕС мавжудлиги тасдиқланган. Ушбу маълумот ўлим кўрсаткичининг асосий қисми мурожаат қилишнинг анча кечиккан даврига (24 соатдан сўнг) тўғри келишини билдиради. Ўлим билан тугаган ҳолатларнинг асосий қисми (қолган икки бемор) касаллик аломатларининг бошланғич даврдан 24 соатдан кечикиб госпитализация қилинди.

Диссертациянинг «Жигарнинг диффуз касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилишида периператив гепатотроп давонинг

самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида жигарнинг диффуз касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилишини комплекс даволашда гепатотроп даво, тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг ривожланиш частотаси ва жарроҳлик даволаш натижалари батафсил баён қилинган.

Ўтказилган тадқиқотда, операциядан кейинги даврнинг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда, асосий ва таққослаш гуруҳларидаги беморларнинг якуний натижалари таҳлил қилинди (2-жадвал).

2-жадвал

Жигарнинг диффуз касалликлари бўлган беморларда ўткир ичак тутилишини жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари ва ётоқ кунлари давомийлиги

Операциядан кейинги кунлар сони	Асосий гуруҳ				Таққослаш гуруҳи			
	Тузалган (n=49)		Вафот этган (n=2)		Тузалган (n=48)		Вафот этган (n=7)	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
< 7							7	12,7
8-14	42	82,3	2	3,8	28	50,1		
15-21	5	9,8			20	36,36		
> 21	2	3,92						

Асосий гуруҳда (51 нафар бемор) ўлим ҳолатлари атиги 2 тани ташкил этди, бу эса гуруҳнинг умумий сонидан 3,9% га тенг. Таққослаш гуруҳида эса (55 нафар бемор) ўлим сони 7 та бўлиб, бу кўрсаткич гуруҳдаги умумий беморлар сонининг 12,7% ини ташкил этди.

Эътиборли жиҳати шундаки, таққослаш гуруҳидаги барча 7 та ўлим ҳолати ҳам операциядан кейинги дастлабки 1 кундан 7 кунгача бўлган эрта даврда қайд этилди. Бу таққослаш гуруҳида қўлланилган даволаш усули беморларни жарроҳликдан кейинги энг хавфли ҳафтада етарли даражада химоя қила олмаганини кўрсатади.

Асосий гуруҳда беморларнинг аксарияти — 82,3% и (n=42) — бу давр мобайнида соғайиб кетди. Бирок, афсуски, 3,9% (n=2) беморда ўлим ҳолати қайд этилди. Бунинг акси ўлароқ, таққослаш гуруҳида соғайиш кўрсаткичи пастроқ бўлди — беморларнинг ярмидан биров кўпроғи — 50,91% и (n=28) тузалди, аммо яхши томони шуки, бу гуруҳда ўлим ҳолатлари умуман кузатилмади.

Операциядан кейинги 15-кундан 21-кунгача бўлган давр мобайнида иккала гуруҳда ҳам соғайиш суръатлари турлича бўлди, аммо ўлим ҳолати қайд этилмади. Бу даврда таққослаш гуруҳида соғайишнинг сезиларли ўсиши кузатилди, яъни беморларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи — 36,36% и (n=20) — тузалиб, уйига жавоб берилди. Асосий гуруҳда эса қўшимча 9,80% (n=5) беморнинг соғайиши қайд этилди.

21-кундан кейин асосий гуруҳда қўшимча 2 та тузалиш ҳолати қайд этилди (3,92%), таққослаш гуруҳида яна 7 бемор тузалди (12,73%). Ушбу даврдан кейин иккала гуруҳда ҳам ўлим қайд этилмади

Ривертон препаратини 600 мг №10 4 мл ли “Глутатион” дори воситаси билан комплексида қўлланилган гуруҳдаги пациентларда даволаниш давомийлигида статистик аҳамиятли фарқнинг аниқланганлиги муносабати билан ва бу дорилар ишлатилмаган таққослаш гуруҳи ўртасида операциядан кейинги давр кечишининг таҳлили амалга оширилди.

Тадқиқотимиз давомида биз операциядан кейинги даврнинг турли босқичларида беморларнинг асосий ва таққослаш гуруҳларида SIRS белгиларининг частотасидаги ўзгаришларни таҳлил қилинди. Бунда биз SIRS (SIRS+) нинг ижобий белгилари бўлган беморларнинг фоизини ва ушбу белгиларсиз беморларнинг фоизини (SIRS-) ҳисобга олинди.

Операциядан кейинги биринчи кунда, 51 кишидан иборат асосий гуруҳда 26 (51,0%) SIRS белгиларига эга эди, 25 (49,0%) кишида эса бу белгилар кузатилмади. 55 кишилик таққослаш гуруҳида 29 (52,7%) кишида SIRS± ва 25 (45,5%) киши SIRS- бўлди. Гуруҳлар орасидаги фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас эди ($t_{Ст}=-0,172$, $p>0,05$).


Операциядан кейинги учинчи кунда, асосий гуруҳда, 14 (27,5%) беморда SIRS± эди, 37 (72,5%) таси SIRS- бўлди. Таққослаш гуруҳида 27 (49%) SIRS± ва 24 (43,6%) киши SIRS- бўлди. Фарқлар ҳам аҳамиятли бўлиб чиқди ($t_{Ст}=-0,108$, $p>0,05$).

Бешинчи кунга келиб, асосий гуруҳда 9 (17,6%) беморда SIRS± бўлди, SIRS- эса 42 (82,4%) беморда кузатилди. Таққослаш гуруҳида 14 (25,4%) бемор SIRS± ва 34 (61,8%) тасида SIRS- бўлди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар аҳамиятсизлигича қолишда давом этди ($t_{Ст}=-0,076$, $p>0,05$) (11-расм).

Операциядан кейинги еттинчи кунга келиб, асосий гуруҳда SIRS ҳолатида сезиларли яхшиланиш кузатилди. Еттинчи кун якунига кўра, асосий гуруҳдаги беморлар орасида SIRSнинг ижобий клиник динамикаси яққол намоён бўлди: SIRS аломатлари атиги 3,9% ($n=2$) беморда сақланиб қолган. Бу, гуруҳдаги беморларнинг мутлақ кўпчилиги — 96,1% и ($n=49$) — яллиғланиш синдромидан тўлиқ халос бўлганлигини ва уларнинг аҳволи барқарорлашганини англатади. Таққослаш гуруҳида 11 (20%) SIRS± ва 37 (67,3%) киши SIRS- бўлди. Ушбу босқичда фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлди ($t_{Ст}=-0,061$, $p<0,05$).

